## РЕСПУБЛИКА ИЖОДКОР ЁШЛАРИНИНГ III СЕМИНАРИ ОЛДИДАН



### Муҳаммад ЮСУФ

М. Юсуф 1978 йили Республика рус тили ва адабиёти институтини тугатган. Унинг шеърлари 1976 йилдан буён вақтли матбуотда эълон қилинади. «Тошкент оқшоми» газетасида хизмат қилади. У 1954 йилда туғилган.

●

Баҳор, адирларда лола тераман.
Одамлар ҳақида ўйлар сураман.
Ҳарбийда кўрганим зирҳли машиналар,
Тўпларни, снарядларни ғишт қилиб,
Осмонўпар уйлар қураман.
Математикани ёмон кўраман...

Орзуларим — қайсар қанотларим,
Осмонларда учиб юраман.
Синглим — ойни ўпиб, укаларим —
Юлдузларни қучиб юраман
Математикани ёмон кўраман...

Атомлар — математика
Водородлар — математика.
Бомбардимончи самолётлар,
Крематорийлар — математика.
Математикани ёмон кўраман...

Сен эса —
Ориятсан.
Сен яхши ниятсан.
Ширин бир дардсан, азиятсан.
Шеъриятсан...

●

Дўстим Сирожиддинга

Бунда бир қиз бор эди
Бағоят дилдор эди.
Мен исмини билмасдим
Мен исмини билмасдим,
Шунинг тўйи бўляпти...
Ўзи менга ёқмасди,

Бир қайрилиб боқмасди.
Мен ҳам парво қилмасдим,
Мен ҳам парво қилмасдим,
Унинг тўйи бўляпти...

Кетдик жўра, нима бор
Бировларнинг тўйида
Бугун сайл бўлади,
Ширмонбулоқ бўйида.
Шундай кунда ноз қилиб,
Қарамаса бизларга,
Атиргулга мурч сепиб,
Улашамиз қизларга.

### ҚИШЛОҚДА

Бу ерларда сал тортиниб тур.
Бу ерларда кўкракни керма.
Юлдузларга осилма шоир,
Осмонни ҳам мақтайверма.

Бу ерларда куйлама, тингла.
(Ўсмай қолсанг уволинг менга).
Атургуллар назокатини
Куйлайверсин тўрғайлар бунда.

Тамаки торт, хўрсин хаёлчан.
Юзинг оппоқ, кўйлагинг оппоқ.
Қўлларингни соябон қилиб,
Жазирама далаларга боқ.

Ана, қара ғўза суғориб,
Деҳқон ҳориб жўяк бошида
Яккатут пойига қулади.

Жуда қўлинг қичиса-бориб,
Қаламингни қовурғасига
Текказиб ол — ўткир бўлади...



Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Назир Сафаров ва ёш ижодкорлардан Яҳё Тоиров, Мурод Муҳаммад Дўст, Мақсуд Бекжонов, Сирожиддин Саидов.

### Раҳим КАРИМОВ



Р. Каримов шеърлари илгари ҳам ҳурматли газетхонларимиз эътиборига ҳавола қилинган. У ҳозир 24 ёшда. СССР Ёзувчилар союзи ҳузуридаги М. Горький номидаги Адабиёт институтининг бешинчи курсида ўқимоқда.

### ИЛТИЖО

Такрорланар ёшликдаги ўша ҳол:
Соя солиб турар бизга мажнунтол.
Термулардим кўзларингга ишқдан лол...
Тушларимга кирганингда тунлари.

Такрорланар ёшликдаги ўша ҳол:
Илтижолар қилгум сенга ойжамол.
Жим турурсан—кўзингда ёш,
бу не ҳол?!.
Тушларимга кирганингда тунлари.

Такрорланар ёшликдаги ўша ҳол:
Алвидо,—деб сен кетурсан, —
яхши қол!
Изларингни кўзга суртгум Қайс мисол,
Тушларимга кирганингда тунлари...

### ҲОЛАТ

Шам йиғлайди ўтли,
оташин,
Милт-милт оқар унинг
жоласи.
Ҳасратимдан куяр
бечора
Бунча ўтли видо
ноласи?!
Шам йиғлайди ўтли,
азизим,
Геграсини ёшга
тўлдириб.
Забонимда армонли
сўзим,
Сен кетдинг-ку бизни
куйдириб...

### Мақсуд БЕКЖОНОВ



М. Бекжонов 1961 йил туғилган. Унинг шеърлари вақтли матбуот саҳифаларида ёритилган. У ҳозир М. Горький номидаги Адабиёт институтида ўқимоқда.

Само каби турғун ва қадим
Ва қоғоздай бенуқсон, оппоқ.

●

Балки, узилмасди япроқлар,
Балки турналар ҳам учиб кетмасди
Ва эҳтимол, ёмғир бу чоқлар
Эзмасди бунчалик, нола этмасди.

Кунлар совумасди бизлардан,
Музга айланмасди сувларнинг бағри.
Бизни ҳар одимда шодлик изларди,
Шамолнинг бунчалик келмасди қаҳри.

Агар бирга бўлганимизда
Ушлаб қолармидик, балки, фаслни.

●

Илҳомни мен қоғоздан олдим,
Севгини самодан олдим мен.
Кўнгилга тиниқлик ўт солди,
Мен учдим булутлар билан тенг.

Қоғоздай оқ нарса топмадим,
Нарса йўқ самодан юксакроқ;

### Дилором ҲАЛИМОВА



Д. Ҳалимова 1960 йил туғилган. В. И. Ленин номидаги ТошДУнинг журналистика факультети бешинчи курс талабаси. У кўп йиллардан буён шеър машқ қилади. Шеърлари газета ва журнал саҳифаларида ёритилган.

●

Бахтли бўлмоқчиман
Юракка суяниб —
Дилга ишониб.
Бахтли бўлмоқчиман
Дилимдагин қоғозга
тўксам,
Кетарман-ку буткул
Бахтга беланиб.
Бахтли бўлмоқчиман,
Бироқ дилдаги сирлар
Етади-ку
Бутун бошли
бахтсизликларга.
Бахтли бўлмоқчиман...

●

Оҳ, кўзларнинг
тўқнашувига
Беролмади юраклар
бардош.
Ўтли лаблар учрашувига
Қандай чидаб турди
экан қош?!

●

Мен кўп кутдим,
Жуда кўп кутдим
У сўзни.
Ўзлигимни тамом
Унутдим.
Кўрдим
У кўзни.
Қайлардадир сарсон,
Қадрсиз...
Мен кутган
У сўз.
Қайлардадир. .
Қадрсиз...
Армоним —
У кўз.



Ёзувчи Мақсуд Қориев эрамиздан аввалги 327—329 йилларда халқ қаҳрамони Спитамен бошчилигида Ўрта Осиё халқларининг Искандар Зулқарнайнга қарши олиб борган мардонавор кураши акс этган тарихий романни ёзиб тугатди.
Қуйида шу асардан парча эълон қиламиз.

Мақсуд ҚОРИЕВ

# СПИТАМЕН

РОМАНДАН ПАРЧА

ОДАТИДА баргоҳдан чиқиб ҳаммаёқни шафақ рангга бўяб чўлнинг ҳов анави чеккасига баркашдек қизариб ботаётган Қуёшга томон юрди. Унинг тундек қоп-қора ёйилиб кетган сочлари, алифдек қадди-қомати қуёш ёғдусида ажиб бир тасвир кашф этарди. Гўё Қуёш оғушида тургандек, эгнидаги само анвари ҳадя этган ҳарир кўйлакни кийиб қизғиш нур қўйнида чўмилаётгандек. Одатида Қуёшга боққанча қўлларини баланд кўтариб юрагидаги дарди-аламларини, изтиробларини тангрисига изҳор этиб, ундан мадад сўрамоқда. Қани энди, шу бевафо, қўрқинчли, ваҳималарга тўла дунёни яратган тангри-таоло унга ёрдам бера қолса! Аммо тангрининг қулоғи кар, кўзи кўр. У ҳеч нарсани кўрмайди, арзи-додингни эшитмайди.

Одатида уч боланинг онаси. Кўрган одам уни болали аёл демайди, ўн гулидан бир гули ҳам очилмагандек, худди болалардек тафаккур этади. Хаёлпараст, унинг сўзларини тинглаган одам, ё овсар, ё бўлмаса ўта ақлли деб қўяди. Қизиқ, атроф-муҳит, барча нарсаларни ўз фикр доираси қолипига солиб ўйлайди... Одатида Қуёшга қараб ўзига-ўзи: «Қизиқ, қуёш жуда яқин жойга ботар экан-а? Ботгач, қаерга кетаркин? Нега Қуёш ботгандан кейин дарҳол қоронғулик тушади? Ой қандай пайдо бўлади, юлдузлар-чи? Кўк юзини маржондек қоплаб олган бу юлдузлар намунча кўп, сон-саноғи йўқ... Қуёш билан ой нега учрашишмайди? Баъзан нега Қуёш чиққанда ой ҳам осмонда ботмай қолиб кетади? Одатида ана шу саволларни ўзича-ўзи ҳал этгандек бўлади, лекин бу жумбоқларга тўғри жавоб топа олмаганидан хаёлга чўмиб кетади. Кейин дунё ўзи шундай яратилган, дея қўя қолади.

Мана у Спитамен[1]ни кўрмаганига бир ойдан ҳам ошиб кетди. У эл-юрт ташвиши билан қаерларда юрибди экан? Нега мени шунча зор қилмаса, наҳотки кўргиси келмаса! Болаларим шўрликнинг соғинганини айтмайсизми. О, бу чўл ҳаёти, дарбадарликлар Одатиданинг жонига тегиб кетди. Нега бу фоний дунёда ҳамма вақт хавф-хатарда, ташвишда яшаш керак. Бу урушлар, қирғинлар, жанжаллар кимга керак! Биз шўрликларда нима айб, тинчлигимиз йўқ. Нега ҳаётнинг қаҳри бунчалик қаттиқ. О Қуёш, раҳминг келса-чи, нега менга шунча азоб берасан? Дарди-ҳасратимни кимга айтай, сенга айтмасам.

Нега Спанта[2] келмаяпти, дунёда менинг ундан бошқа кимим бор ўзи? Мен уни жонимдан ҳам ортиқ кўраман, эҳтиросли муҳаббатим билан севаман, ҳа, севаман. Усиз ҳаёт йўқ менга, ҳозир қаерда экан у йигитлар султони. Юрагим куйиб, эзилиб, жоним ҳалқумимга келяпти. У йўқ бўлса қўлларим бўш, йўқ, қўлларим эмас, юрагим бўм-бўш... Эй, Қуёш, нега сен уни менга раво кўрмайсан, уч ўғлим ҳурмати. Спантани менга етказ, илтижойим шу, фақат ундан мени жудо қилма, мен унинг қулиман, ўла-ўлгунча ўшани деймaн. Фақат ундан айрилиб қолишдан қўрқаман. Ўзинг асра, уни эй Қуёш, ўз паноҳингга ол!

Ёшликнинг илк баҳори—Спитаменга турмушга чиққан кезлари кўз ўнгида намоён бўлди. Ўшанда Одатида ўн олти ёшга қадам қўйганди. Баҳор кезлари бўлганлиги учун улар ҳар куни саҳарлаб от миниб Қуёшни қаршилаш учун «Суғд қоялари» томон кетишарди. Қоянинг баланд жойига чиқиб, Қуёшнинг олам-жаҳонни ёритиб тантанавор кўтарилишини томоша қилишарди. Кейин баҳор чечаклар очиб ётган водийларда муҳаббатнинг илк лаззатларидан баҳраманд бўлишарди.

— Менга қара Спанта, эсингда борми, тўйдан олдин бир-биримиз билан курашганимизда сенга бирпасда йиқилиб берганман-а?

— Ҳали шундай дегин, мен бўлсам ўзим йиқитдим деб мағрурланиб юрибман, — деди Спитамен ҳазиломуз Одатиданинг бурнини бармоғи билан босиб.

— Энди сен билан курашсам, албатта йиқитаман, — деди Одатида ҳазиллашиб.

— Қани, кучингни кўрсат бўлмаса, —деди Спитамен устидаги кўйлагини ечиб.

Улар кўрпадек кўм-кўк майсалар устида бир-бирларининг белларидан маҳкам қучоқлашиб узоқ олишдилар. Спитамен бўлса, жўрттага ўзини қийналаётган қилиб кўрсатар, йиқилмоқчи бўлиб тойиб кетар, кейин яна келиб Одатидага ёпишарди. Одатида Спитаменнинг хатти-ҳаракатига тинмай кулар, кейин унинг бўйинларига қўлларини занжир қилиб йиқитмоқчи бўларди. Ниҳоят, Спитамен ёлғондакасига Одатиданинг оёғидан чалмоқчи бўлди-да, кучи етмай чалқанчасига йиқилди. Одатида унинг устига ётиб олди-да:

— Ана айтмадимми, ўшанда йиқилиб бермасам, менга уйлана олмаган бўлардинг, — деди.

— Тўғри, жонгинам, сенинг дилбар қарашларингга бардош бера олмай йиқилганман, умр бўйи асирингман... жондан севаман...

— Инсон бир-бирини жуда ҳам яхши кўриб бўлмайди, биласанми, Спанта, гоҳо-гоҳо мен ўз севгимдан қўрқаман...

Одатида ана шу бахтиёр дамларни эслаб юраги узилди, қўлларини осмонга кўтариб нималардир деб пичирлади, кейин қум устига ўзини ташлади.

Яна, хаёлан ёшликка қайтди... Ёзнинг илиқ-иссиқ кунларидан бирида улар тонг билан туриб нима сабабдандир иккинчи отни олмай, Қорасочга мингашиб қоя томон кетишди. Тангрига ибодатни бажо келтириб, кейин тоғ дарёсида маза қилиб чўмилишди. Шунда Қорасоч ҳам дарёга тушиб чўмилди-да, Спитамен билан бирга қайтиб чиқди. Одатида келиб Спитаменнинг бўйнига осилганча эркалана бошлади. Спитамен Одатиданинг қоп-қора сочларини қўллари билан силар, қизнинг тоғ дарёсида олмадек қизариб кетган ёноқларидан ўпарди. Шунда Қорасоч ҳам келиб Спитаменга суркалаверди. Охири эгаси отига эътибор қилмагач, Қорасоч аразлагандек қаергадир кетиб қолди.

— Спанта, Спанта, қара Қорасоч кетиб қолди, вой ўлмасам, сени менга рашк қиляпти, биласанми?

— Йўқ, жонгинам Одатида, ахир, Қорасоч менинг дўстим, ишонсанг. Аксинча, сени унга рашк қиламан.

Одатида мийиғида кулди, кейин Спитаменга қараб:

— Сен уни севасан, мендан ҳам кўпроқ Қорасоч билан бўласан, бу ёқдаги Қорасоч кўпинча ёдингдан кўтарилиб кетади...

— Менинг асл қорасочим сен, ҳа сен...

Улар муҳаббат оғушида кечқурунгача тоғ дарёси бўйида қолишди.

От эса барибир кечга томон улар йўлга чиқишмоқчи бўлишганда, қайдандир пайдо бўлди-да, ўзининг ноўрин «қилиғи» учун ошиқ-маъшуқлардан узр сўрагандек бошини ерга хам қилганча турди.

Одатиданинг ёшлиги ана шундай бахтиёр, ҳеч қайтарилмас, туйғуларга бой, мазмунли ўтган. Ўша муҳаббатли кунларнинг ҳар бир дақиқасини бир умрга алмашиб бўлмайди. Бу ҳозир Қуёшга сажда қилаётган саҳро гўзалининг хаёллари эди...

Мана бу воқеа бўлса қиш кезларида рўй берганди. Водийни қаттиқ қор босди. Совуқ шундай шиддатли бўлдики, агар ўшанда туфласанг, туфугинг ерга ях бўлиб тушарди. Тоғларга қор қалин тушгани учун оч қолган ҳайвонлар ҳам, қушлар ҳам одамлар орасидан ўзларига ризқ-рўз қидиришади. Какликлар галаси молхоналарга ўзини урар, қолган қутган нарсаларни териб еб тирикчилик қилишар, молларнинг овқатига шерик бўлишарди. Спитаменнинг хизматкор қуллари бўлса табиат олдида ночор қолган ана шу жониворларни тутиб олиб пишириб ея бошлашди. Одатида ўша кезларда эртаю кеч уйда, Спитамен бўлса савдо-сотиқ ишлари билан банд эди.

Кечқурун Спитамен келди, хамир орасига олиб қўрга кўмилган қўй гўшти ғоят лаззатли пишганди. Каклик шўрва ундан ҳам ширин туюлди.

— Каклик қаердан келиб қолди? — деб сўради Спитамен.

— Эҳе, ҳаммаёқни босиб кетишди, молхона тўла қуш...

— Айтгандай, тоққа қор қалин тушди, бечоралар очликдан сенларга жиш бўлибди-да!

— Ҳа, хизматкорлар кўплаб тутиб олишмоқда...

— Айт, энди уларга озор беришмасин, бу номардлик, мард овчи бундай қилмайди, — деди Спитамен товоқдаги шўрвани итариб қўйиб.

— Майли, эртага айтаман, кўнглинг бузилмасин, жоним...

Спитамен кўзачадаги мусалласни товоққа қуйди-да, шимириб юборди.

— Спанта, биласанми, азизим, сендан суюнчи олмоқчиман...

— Хўш, нега, нима сабабдан суюнчи?

— Ўзинг топ...

— Мен қайдан билай, сен жоним яна нималарни ўйлаб топмайсан, — деди Спитамен хотинини эркалаб.

— Фарзанд кўрадиган бўлдик.., — деди майингина қилиб Одатида.

Спитамен хотинига тикилганча нима дейишни билмай қолди. Кутилмаган бу хушхабар олдида тиллари лол эди.

— Ростданми... — деди ниҳоят қувониб Спитамен.

— Гоҳо-гоҳо қорнимда бир нарса қимирлаяпти, — Одатида Спитаменнинг қўлини қорнига босди.

Спитамен Одатиданинг юзларидан, сочларидан, қўлларидан ўпар, ўз қувончини қандай изҳор этишни билмасди.

— Исмини нима қўямиз? — деб сўради Спитамен.

— Ёлғиз ҳукумдорим сенсан. Болага исмни фарзанднинг отаси қўяди, жоним, — деди Одатида эркаланиб.

— Боболаримиз номини берамиз, ҳа, Афросиёб бўлади, Афросиёб.

— Қиз бўлса-чи?

Спитамен ўйланиб қолди, бундай фикр унинг хаёлига ҳам келмаган эди.

— Эй, ундай дема жонгинам, кўзларинг айтиб турибди, менинг фарзандим албатта ўғил бўлади, ўғил — дея Спитамен суюнганидан кўзачадаги мусалласни бир шимиришда ҳаммасини ичиб юборди...

Шу воқеалардан бери қанча йиллар ўтиб кетди. Қанча сувлар оқиб ўтди, баҳор, ёз, куз, қиш келди, фасллар ўрнини фасллар эгаллади. Одатида фарзандларининг учаласи ҳам ўғил, ҳа, ҳаммаси ўғил бўлди.

Севги йиллари гўё тонги тумандек ўтиб кетди. Мана, энди ширин дақиқаларнинг лаззати билан яшайсан. Чўлдан эсаётган майин илиқ шабада маст қилувчи муаттар бўйларни олиб келиб димоққа уради. Одатида ҳам ҳаёт нашидаси билан маст эди. У эрини жуда ҳам соғинган, аёллик ҳиссиёти уйғониб, ўзини қайга уришни билмай, ўз дардига нажот истаб, бийдек чўл қўйнига ўзини ташлаганди. Атрофда зоғ ҳам кўринмайди. У устидаги кийим-бошларини ечиб, вужудини қиздираётган соғиниш дардларини ерга сингдираётгандек қум устига ўзини ташлади. Ер ҳам табиатнинг бу ажиб, ғоят гўзал мавжудодини бағрига босиб, олам-олам лаззат олаётгандек. Одатида ётган ерида безовталанар, кучли қўллари билан кўкракларини ғижимлар, бетоқат бўларди. Ниҳоят, у ўпкасини тутолмай ҳўнграб йиғлаб юборди. Шу йиғлаганча узоқ ётди, ниҳоят юрагини бўшатиб олгандек ўрнидан туриб аянчли ҳижрон кечасидагидек қоронғулик тушиб келаётган чўлга қараганча сочларини ёйиб узоқ ўтирди...

Шу вақт чўл чеккасидаги барханлар устида бир отлиқ кўринди. У, қаергадир шошиларди. Ана у, шу томонга бурилди, худди шу ёққа ошиқаяпти. Тагидаги оти ҳам эгасининг шошилаётганини билгандек олға интилади, манзилга тезроқ етиб олсам деб кишнайди. Мана, яқинлашиб қолди. Одатида безовталаниб юраги бир нарса сезгандек бўлди...

— О, Қуёш, нолишим сенга етди, шекилли. Менинг Спантам келяпти, жоним келяпти...

Суворий қушдек учиб келди-ю, шошилганча баргоҳ томон ўтиб кетди.

— Йўқ, йўқ. Бу Спанта эмас, бошқа. Эй, тангрим, о Ноҳид,[3] нега мени алдайсан, нега мени қийнайсан, нега менинг севгилимни кбормайсан.

Одатиданинг юрагига ғашлик тушди: балки бу отлиқ шум хабар келтираётгандир, балки Спанта бирор касалга чалингандир. Шу хаёллар билан тезда кийиниб олди-ю, ўрнидан сакраб туриб, шошганча баргоҳ томон кетди.

Ҳалиги суворий баргоҳга яқинлашиб, отдан шартта тушиб ўқдек ичкарига кириб кетди.

Одатида ичкарига киришга юраги дов бермай ўтов эшиги ёнига бориб хонага қаради. Ўртада басавлат, совут кийган, белига шамшир таққан чопар турарди.

Массагетлар улусининг бошлиғи Хамук чопарга яхши мулозамат кўрсатиб, савол назари билан унга қаради.

Чопар бошидан дубулғасини олиб, Хомукка қараб сўйлай кетди.

— Мени Спитамен юборди. У ерда ҳамма оқсоқоллар йиғилишаяпти, муҳим масала юзасидан маслаҳат бўлармиш. «Осиё шоҳи» Бесснинг ўзи ҳам ўша ерда.

Хомук бироз ўйланиб қолди. Негадир чопарнинг келтирган хабари унга ёқинқирамади. Иккиламчи, Бесснинг ўша ердалигини эшитиб юраги ғаш бўлди.

— Майли, сен кетавер, орқангдан етиб бораман, — деди Хомук.

Чопар Хомукка таъзим килдию, ташқарига чиқиб, баргоҳ ёнидаги устунга боғлаб қўйилган отини еча бошлади.

Одатида чопар ёнига келди.

— Спанта омонми? Ўзи қачон келади?, — сўради шоша-пиша.

Чопар сочлари ёйилган, қадди-басти келишган бу гўзал аёлга бироз қараб турди-да, унинг Спитаменнинг хотини эканлигини англади.

— Ҳа, соғиниб қолдингми, ойимча? — Отга мина туриб ҳазиллашди чопар.

Одатиданинг жаҳли чиқди. Ерда ётган катта гавронни олди-да, чопарга ташланди. Ҳуркиб кетган от икки оёғини осмонга кўтариб олдинга сапчиди, эгасини ағдариб чўлга томон қочди. Одатида чеккада боғлиқ турган тулпорига чаққонлик билан минди-ю, чопарнинг отига етиб олиб бирпасда эгасига келтириб тутқазди.

— Мана, отингни ушла, бундан кейин бунақа бемаъни ҳазилингни бошқага қил, — деди Одатида.

Чопар ғира-ширада аёлнинг худди фариштаrange ларникидек ёйилиб кетган сочларига, юлдуздек ёниб турган кўзларига тикилганча ломмим дея олмай қолди. Кейин отига чаққонлик билан минди-да Одатидага юзланиб:

— Спитаменга мос экансан, ҳа сени бекорга жасур йигит хотин қилмаган экан, бало экансан, — деди ва отига қамчи босди.

ЧОПАР минган от қоронғуликка кириб бирпасда кўздан ғойиб бўлди. Одатида зимзиё чўл томонга бироз қараб турди-да, негадир юраги тўлаб ичидан бир нарса босиб келиб ўзини тутолмай ҳўнг-ҳўнг йиғлаб юборди...

[1] Адабиётимизда баъзан Спитаменнинг номи Спантамано деб олинди. Қадимги юнон ва жаҳон адибиётида у асосан Спитамен номи билан машҳур бўлган. Шу боисдан автор ўз асарида халқлар ўртасида кенг тарқалган ном билан Спитамен деб олди.

[2] Унинг яқинлари Спанта деб аташарди.

[3] Ноҳид—севги маъбудаси.

### Баҳодир ЁҚУБЖОНОВ



Б. Ёқубжонов М. Горький номидаги Адабиёт институтида таҳсил кўрмоқда. 1958 йил туғилган. Унинг бир қатор шеърлари матбуот саҳифаларида эълон қилинган.

### ҚУЁШ

Гўзаллик қошида мен тиз чўкаман,
Сени деб дунёда юрибман, ишон!
Сенинг бахтинг учун ва севгинг учун
Ўзимни осмонда ёндирдим, инсон!
Сен эса бепарво,
Сен кулмоқдасан,
Прометей авлоди, сенгадир шараф!
Нурларимдан чечак ундирмоқдасан,
Мағрурсан, изингни гулларга буркаб.

●

Уйғонади паришон саҳар,
Кунлар ўтар сенга ичикиб.
Нега дунё сукунат сақлар
Ва ой чиқар ҳар кун кечикиб.

Мен мағлубман—муҳаббат енгди,
Учган юлдуз каби туйғулар.
Кўзларимда уйқу йўқ энди,
Сени излаб кетган уйқулар.

### Чоршаъм РЎЗИЕВ



Ч. Рўзиев 1955 йил туғилган. В. И. Ленин номидаги ТошДУнинг журналистика факультетини тугатган. Ҳозир Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетида хизмат қилади.

Мискин оҳангларнинг беланчагида
Ором ол, севгилим, ором ол оқшом.
Мен сизни кун бўйи соғиндим жуда,
Соғиндим, тоқатим толиқди тамом .
Сузгун хаёлларга бош қўйиб энди
Юрак юрагимни яна ёшлайман.
Соғинчлар кўзимда сўнади энди,
Энди мен кулгумни йиғлай бошлайман.

●

Бўлса бордир
қумсашларинг,
Менга нима?
Сўник қалбга олов қалаб
Севги дема.
Пўртаналар чангалида
Ёлғиз кема.
Шу кемада чўкар бўлсам
Сенга нима?

●

Барханлар,
барханлар --
Кўчкин қабрлар.
Азалдан уларда
руҳлар санқийди.
Йўқ гулларнинг ҳиди
ҳануз анқийди.

### Муҳайё МИРСАИДОВА



М. Мирсаидова Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетида ишлайди. Унинг шеърлари газета ва журнал саҳифаларида эълон қилинган. 1958 йили туғилган. В. И. Ленин номидаги ТошДУнинг филология факультетини тугатган.

●

Мен севаман куйлар тинглашни,
Шўх туйғумни баравж куйлашни.
Қалбга оқса майин оҳанглар,
Хаёлларга берилгум тонглар.
Сизиб кирса нолакор бир сас,
Эзиламан, бўлди, деймaн, бас.
Тўлдирса гар қалбим тарона,
Менинг учун зўр шодиёна.
Сенда шу ҳол бўладими, айт?
Қалбинг куйга тўладими, айт?
Кучлимикан сенда эҳтирос,
Айта қолгин, дўстим, рўйи рост.

●

Қара, дўстим, ҳув олисда
Бир чироқ порлаётир.
Қарагин-а, у бизларни
Ўзига чорлаётир.
Шитоб билан юрсак биз,
Истиқболга етармиз.
Дўстгинам, тез юра қол,
Хаяллама, бўла қол.
Қўлда бўлса юкинг гар,
Майли, менга бера қол!

ЯНГИ РУБРИКА:

## БИР АСАР ТАРИХИ

Азиз газетхон!

Газетамизда «Бир асар тарихи» деган янги рубрика остида материал берилаётир. Янги рубрикани Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Гимни ва унинг яратилиш тарихи ҳақидаги мақола билан очдик. Гимннинг муаллифларидан бири — Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Туроб Тўла Гимн ва унинг тексти қай тариқа юзага келганлиги ҳақида ҳикоя қилади.

«Бой ила хизматчи», «Ўтган кунлар», «Навоий», «Сен етим эмассан», «Бахтлар водийси», «Алишер Навоий», «Ўқитувчи», «Нахшон», «Инқилоб тонги», «Қонли сароб» каби ажойиб асарлар қай тариқа юзага келганлиги билан, табиийки, ҳар қандай китобхон ҳам қизиқади. Биз бундан кейин «Бир асар тарихи» рубрикаси остида адабий ҳаётимизда воқеа бўлган ўлмас асарлар ва уларнинг яратилиш тарихи ҳақида ҳикоя қилиб борамиз.

# ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ГИМНИ

Темур ФАТТОҲ ва Туроб ТЎЛА тексти

Ассалом, рус халқи, буюк оғамиз,
Барҳаёт доҳиймиз Ленин, жонажон!
Озодлик йўлини Сиз кўрсатдингиз,
Советлар юртида ўзбек топди шон!

Партия раҳнамо, жон Ўзбекистон,
Серқуёш ўлкасан, обод, баркамол!
Тупроғинг хазина, бахтинг бир жаҳон,
Советлар юртида сенга ёр иқбол!

Серқуёш ўлкада кўрмасдик зиё,
Дарёлар бўйида эдик сувга зор.
Тонг отди, Инқилоб, Ленин раҳнамо,
Раҳнамо Лениндан халқлар миннатдор!

Партия раҳнамо, жон Ўзбекистон,
Серқуёш ўлкасан, обод, баркамол!
Тупроғинг хазина бахтинг бир жаҳон,
Советлар юртида сенга ёр иқбол!

Коммунизм гулбоғи мангу навбаҳор,
Тоабад қардошлик — дўстлик барҳаёт!
Советлар байроғи ғолиб, барқарор,
Бу байроқ нуридан порлар коинот!

Партия раҳнамо, жон Ўзбекистон,
Серқуёш ўлкасан, обод, баркамол!
Тупроғинг хазина, бахтинг бир жаҳон,
Советлар юртида сенга ёр иқбол!

Туроб ТЎЛА, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

# ГИМН—ДАВЛАТИМИЗНИНГ НАЪРАСИ

ГИМН — қўшиқлар қўшиғи, замон наърасн, Давлатнинг музикали байроғи. Юнонлар уни тантанавор қўшиқ, деб аташган. Гимн жўровозда ижро этилади. Сиёсий, ижтимоий, революцион руҳдаги тантанали қўшиқ, байрамлар, ғалабалар дараги, эътиборли давлат арбоблари кутиб олинади ва кузатилади у билан, муҳим ва муқаддас юмушлар у билан бошланади. Шунинг учун Гимн — Давлат рамзи ҳисобланади. Халқаро пролетариат Гимни «Интернационал» («Байналминал») коммунистик гимнлар бошидир. У 1944 йилгача партиямизнинг Гимни эди. Кейин Совет Иттифоқининг Давлат Гимни яратилди ва СССР Олий Совети сессияси мажлиси томонидан 1944 йили расмий тасдиқланди, ўша кундан бошлаб ижро этила бошланди.

Ҳамма Гимнларнинг муаллифлари бўлган. «Интернационалнинг муаллифлари шоир Э. Потье билан композитор П. Дегейтер. СССР Давлат Гимнининг муаллифлари шоир С. Михалков ва Эл-Регистан билан композитор А. В. Александров. Ўша йилдан бошлаб Иттифоқимизнинг ҳамма республикалари, шу жумладан, Ўзбекистон ССРнинг ҳам Давлат Гимни яратилди. Республика Олий Советининг навбатдаги сессияси бошланишига қадар катта конкурс эълон қилинди. Бу конкурсга барча шоирлар ва композиторлар қатнашдилар. Конкурс ёпиқ эди. Шоирлар ҳам, композиторлар ҳам ўз асарларини ана шу қоидага мувофиқ алоҳида тахаллус билан йўлладилар. Жуда кўп шеър ва музикалар тўпланди. Ҳукумат томонидан тузилган махсус жюри уларни ойлаб кўздан кечирдилар. Конкурсга, табиий, ҳамма шоир ва композиторлар, шу жумладан Ойбек, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Уйғун, Зулфия, Темур Фаттоҳ сингари шоирлар, Мухтор Ашрафий, Толибжон Содиқов, Тўхтасин Жалилов, Юнус Ражабий, Мутаваккил Бурҳонов, Сулаймон Юдаков, Икром Акбаров, Монас Левиев сингари композиторлар ҳам қатнашган эдилар. Гимн шеърига ҳам, музикасига ҳам қўйилган талаб, албатта, катта ва мураккаб эди. У, ҳали айтганимиздек, наинки бадиий ва ғоявий нуқтаи назардан мукаммал, баланд савияда ёзилиши, давлат учун алоҳида талабга жавоб берарли бўлиши керак эди.

Шунинг учун жюри аъзоларига бундай талабда танлаб олиш ниҳоятда қийин эди. Аввал, албатта, шеъри танланди. Бир неча гўзал шеърлар орасида шоир Темур Фаттоҳнинг шеърига тўхталди ва бу шеър устида иш олиб борилса бўлади, деган қарорга келинди ва у композиторларга тавсия этилди. Яна бир неча вақтдан сўнг композиторлар тавсия этган музикалар кўрила бошланди ва ниҳоят, Мутаваккил Бурҳоновнинг куйи маъқулланди. Шундан кейин Темур Фаттоҳ билан Мутаваккил Бурҳоновга жюри ўз мулоҳазаларини, таҳрирларини эълон қилди. Икки муаллиф ҳамкорликда жюрининг айтганлари устида иш олиб бордилар. Бу иш ҳам тугагач жюри уни тасдиқлаб, сессия назарига тавсия қилди. Шундай қилиб, Ўзбекистон ССР Давлатининг биринчи илк Гимни Олий Советимиз сессияси тасдиғидан ўтди ва 1947 йилдан бошлаб ижро этила бошланди.

Мамлакатимиз эндигина даҳшатли уруш азобларидан халос этилган, давлати ва тузумига ниҳоятда содиқ халқимиз ҳали орқа-ўнгини йиғиб олганча йўқ, ҳаётини тинчлик йўлига энди солаётган, уруш фалокатлари туфайли вақтинча тўхтаб қолган социалистик қурилишлар, саноат ва қишлоқ хўжалигимиз энди йўлга тушаётган бир пайт эди. Шунинг учун Биринчи Гимнимиз ана шу фидойи халқимиз, ғолиб халқимиз ҳақида, фашизмни енга олган баҳодир халқимиз ҳақида эди. У ана шу халқни, ана шу ғалабани, ана шу оғир кунларда яна тинч ҳаётини қайта қуришга отланган халқимизни куйларди, буюк ғалабага олиб келган, озод, эркин, тинч ҳаётини қайтиб берган Ленин партиясини, бу кунларни келтиришда бир тан, бир жон бўлиб курашган қардош халқларни, унинг бошида турган улуғ рус халқини куйларди. Гимн мазмуни асосида Ватанига катта «оқ олтин» бераётган, республика, қишлоқ хўжалик республикаси намоён эди. Халқини ҳамиша ҳушёр бўлишга, Ватани чегараларини кўз қорачўғидек сақлашга, ёвуз душман бош кўтарса уни аёвсиз мажақлаб ташлашга чорларди.

1977 йилга келиб партиямиз бу Гимнни таҳрир қилиш кераклиги ҳақида қарор қабул қилди ва унинг муаллифларига бу ишни навбатдаги сессиягача таҳрир қилиб беришни тавсия этди. Сергей Михалков (бу вақт ҳаммуаллифи оламдан ўтган эди), СССР Давлат Гимни текстини қайта кўриб чиқди, ўтган 30 йил орасида мамлакатимизда юз берган янгиликларни, буюк ўзгаришларни, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий воқеаларни, жаҳон миқёсидаги ўзгаришларни кўзда тутиб таҳрирдан ўтказди. Бу — ҳамма республика Гимнлари таҳририга, шу жумладан, республикамиз Гимни таҳририга ҳам, албатта, тааллуқли эди. 1977 йил 28 октябрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Комил Яшин раислигида редакцион комиссия тузди. Комиссияга Уйғун, Зулфия, Миртемир, Мирмуҳсин, Рамз Бобожон, Ҳамид Ғулом киритилди. Комиссия республика Гимни муаллифи шоир Темур Фаттоҳнинг бу даврда ҳаёт эмаслиги муносабати билан бу мураккаб ва шарафли вазифани менга юклади.

Темур Фаттоҳ адабиётимизнинг Улуғ Ватан урушидан аввалги, уруш йиллари ва ундан кейинги яхши шоирларидан бири эди. Унинг лирикаси тенгдошлари Усмон Носир, Ҳасан Пўлат, Эргаш даражасида халққа севимли эди. У оз ва лекин соз ёзган шоирларимиздан. Ғафур Ғулом унинг сиёсий лирикасини юқори баҳоларди. Коммунист, минбар шоири эди у. Таҳрир вақтида кўп ўзгартириш киритмасликка, мумкин қадар муаллиф фикрларини сақлашга интилдим. Аммо бу ўттиз йиллик катта даврда шундай улуғ ўзгаришлар юз берган эдики, уларни киритмай илож ҳам йўқ эди. У даврга нисбатан республикамиз жуда ҳам ўзгариб кетган. У энди фақат пахта республикасигина эмас, балки саноат жиҳатдан ҳам жуда илгарилаб кетган, саноқсиз улуғ иншоотлар пайдо бўлган, бойлиги ҳаддан зиёд, тупроғи зар, хазиналарга бой, қардош республикалар билан бир сафда коммунистик жамият қураётган қудратли мамлакатга айланиб кетган. Буни киритмай бугунги Гимнни яратиш маҳол эди. Бу ҳамма янги мазмунни киритиш, Гимнни бугуннинг талабларига монанд ва жавоб берарли даражага келтиришнинг бошқа мураккаб томонлари ҳам бор эди. Бу — композитор билан бақамти ўтириб ишланадиган иш эди. Сизга маълум бўлиши керакки, биринчи Гимннинг аввал тексти яратилган. Текстни композитордан холи яратиш бошқа-ю, композиторларнинг тайёр музикаси «қолипига солиш» бошқа. Бу бир неча маротаба оғир ва мушкул. Муаллиф халиги юқорида айтилган масалаларни, янги мазмунни композиторнинг тайёр тўқимасига сингдира билиши керак. Чунки унинг тўқимасига «қул» бўлган ҳолда ишлаш керак. Унинг вазни бор, бўйсуниш керак, унинг туроғи бор, бўйсуниш керак, унинг қофияси бор, бўйсуниш керак, унинг ҳижоси бор, бўйсуниш керак, унинг унли, ундош ҳарфлари бор, қулоқ осиш керак, унинг очиқ ва ёпиқ ҳарфлари бор, бўйсуниш керак. Мана шу ҳамма мажбурий шартларни ҳисобга олган ҳолда, ҳалиги жуда ҳам муҳим ва ўша муҳим воқеалар, мазмунлар учунгина бажараётган ишимизни қила олишимиз керак эди. Бунинг устига у бадиий асар, бадиий, сиёсий, ғоявий кўркам асар бўлиши шарт. Чунки у катта бир давлатнинг, юқорида таъриф этганимиздек, шеърий байроғи! Шундай қилиб, 1977 йилнинг охиридан то 1978 йил февраль ойининг ўрталаригача дўстим Мутаваккил Бурҳоновнинг уйидан чиқмадим, ҳар куни ва ҳар кеча соатлаб пианино олдида ўтирдик, вариантларнинг саноғи қолмади. Бу орада комиссия сессиянинг яқинлашиб қолганидан хабар қилиб шоширар, вариантларни кўриб тасдиқларди-ю, композитордан брак чиқишининг охири бўлмасди. «Золим» композиторнинг юқорида айтилган каби қатор шартларига қараб қўйган талабларини тонг оттириб ишлайман, ўзимча эртасига хурсанд бораман, тағин, не қилайки, албатта биронтасини маромига етказолмаган бўламан. Бироқ яна шуниси ҳам ёмонки, ана шу «биронта» камчиллиги ҳамма тўртликлар ҳужайрасини бузиб ташларди. Уни ҳамма жиҳатдан қайта ишлашга, қайта янги тўртлик яратишга тўғри келарди.

Ана шундай мушкулликлар билан иккинчи Гимн майдонга келди ва Мутаваккил Бурҳонов комиссия олдига ёруғ юз билан борадиган бўлди. Пушкин кўчасининг бошланишидаги Ёзувчилар уйига хурсанд кириб бордик. Жюри аъзолари Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида йиғилишиб ўтиришарди. Мутаваккил Бурҳонов Адабиётчилар уйининг пианиноси қопқоғини очди ва аста клавишлари устида бармоқларини юргазиб, Гимннинг янги текстини ижро этиб берди. Мен жюри аъзоларидан кўз узмасдим. Уйғун аканинг лаблари буришиб кетди, Зулфия опанинг кўзлари ерда, Миртемир ҳайрон. Тамом. Яна бўлмапти, дедим. Яшин ака Мутаваккил Бурҳоновдан сўрадилар:

— Мутаваккилжон, қалай, ўзингизга маъқулми?

— Менга энди маъқул,— деди у дадил.

Аммо жюри аъзолари жим эди. Кимдир, «яхши», деди чўзиб, яна кимдир «яхши бўлса—яхши-де» деди. Уйғун аканинг бурилган лабидаги гап «сачради»: «Яхшиликка яхши-ку, аммо баъзи сўзлар ўрнига бошқа бойроқ сўзлар танлаш ҳам мумкин эди...».

Ҳа, мумкин эди, аммо композиторнинг музикаси сиғдирмади-да. Кошки буни айтолсам.

Республика Гимнининг бу вариантида, айниқса, энди «обод, баркамол» юртимиз, «Тупроғи хазина, бахти бир жаҳон» халқимиз, «Раҳнамо Лениндан миннатдор» элимиз, «Коммунизм гулбоғи мангу навбаҳор» тупроғимизда «қардошлик, дўстлик мангу барҳаёт»лиги, ниҳоят, «Коинот» унинг дастёрига айланаётгани алоҳида қайд топганди. Бу хаёлимни билиб тургандай Уйғун ака: «Тағин озгина ўтиринглар», деди. Тағин бир неча кун ўтирдик. Сўнгги жюри 17 февраль куни бўлди. Ижро этилиши билан янги кўчирилган сўнгги нусхага Яшин аканинг раислик имзоси чекилди, кейин Уйғун ака, Зулфия опа ва бошқа аъзоларнинг имзолари чекилди. Улар муборакбод этишди.

Ўйлайсизки, шу билан бизнинг «азобимиз» тугадими? Йўқ, энди радионинг хори ижроси билан тинглаш керак эди. Комиссия аъзолари Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг раиси У. Иброҳимовнинг кабинетида йиғилишди. Б. Умиджонов раҳбарлигидаги радио хори ижросида янги Гимн ижросини тингладик.

Гимнимизнинг Темур Фаттоҳ нусхасини Улуғ Ватан уруши йиллари Тошкентда яшаб ижод этган Владимир Луговской билан Светлана Сомова рус тилига таржима қилган эди. Бу сафар эса Левь Ошанин билан Борис Пармузин таржима қилди.

ШУНДАЙ ҚИЛИБ, Ўзбекистон ССР Давлат Гимни 1978 йилнинг 20 апрелидаги ҳамма газеталарда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССРнинг Давлат Гимни тўғрисида» деган фармони ва Гимннинг тексти билан нотаси эълон қилинди. Унда шундай деб расмий ёзилган эди:

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:**

**1. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Давлат Гимнининг тексти ва музикавий таҳрири тасдиқлансин.**

**2. Белгилаб қўйилсинки, ушбу фармон билан тасдиқланган Ўзбекистон ССР Давлат Гимнининг ҳамма жойда ижро этилиши 1978 йил 20 апрелдан жорий қилинади.**

Шундай қилиб, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1978 йил 20 апрель фармони билан кучга кирган Ўзбекистон ССР Давлат Гимни 21 апрель куни радиодан янгради...



Бугунги Тошкент. Навоий проспекти. С. МАҲКАМОВ фотоси

**Газетамизнинг шу йилги 13 январь сонида журналист Норқул Ҳайитқуловнинг «Очерк ўгай жанрми!» мақоласи билан бошланган, очерк ва публицистика муаммоларига бағишланган баҳс давом этмоқда. Филология фанлари кандидати Саиди Умировнинг «Очерк ўгай жанр эмас» деб номланган мақоласида ҳам шу мунозарага муносабат билдирилган. Қуйида ёзувчи Саъдулла Сиёев «Ростгўйлик ва бадиий таҳлил» мақоласида газетхонлар эътиборини республикамиз матбуотида ўтган йили ёритилган асарларга тортади, улардаги ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилади.**

**Редакция мунозарага қатнашишни истаган барча муаллифлардан диққатни кўпроқ маҳорат масалаларига қаратишни сўрайди.**

Саъдулла СИЁЕВ

# РОСТГЎЙЛИК ВА БАДИИЙ ТАҲЛИЛ

БАҲС

ҲОЗИРГИ очерк ва публицистикамиз тараққиётида мунозарага мавзу бўларли анча-мунча муаммолар етилиб қолган эди. Шу маънода газетанинг бу соҳада бошлаган баҳси жамоатчилик томонидан қизғин қарши олинмоқда. Биз ҳам ўтган йили республикамиз матбуотида, айрим тўпламларда эълон қилинган асарлар мисолида фикр юритмоқчимиз.

Ўтган йили очерк ва публицистика жанрларида ўнлаб яхши намуналар эълон қилинди, бир қанча тўпламлар чиқди. Уларда халқ хўжалигининг турли жабҳаларида ишлаётган донгдор кишиларимизнинг эсда қоларли образлари яратилган, долзарб масалалар кўтарилган, интернационал дўстлик, илм-фан, меҳнат фидойилари, уруш ветеранларининг ибратли ишлари ҳикоя қилинган. Бултур бадиий публицистикамиз ривожига Н. Сафаров, А. Мухтор, С. Аҳмад, П. Қодиров, О. Ёқубов, С. Кароматов, Ў. Усмонов, Ў. Ҳошимов каби таниқли ёзувчилар салмоқли ҳисса қўшдилар.

Ш. Убайдуллаевнинг «Салом, Ойқиз», «Сен муҳаббат ёшидасан», А. Эшонов, Э. Усмонов, Н. Раҳматов, Ё. Хужамбердиев, Н. Ҳайитқулов, Ж. Шароповнинг қишлоқ хўжалигимиз машъаллари ҳаётини акс эттирувчи очерклари, Н. Саъдуллаев, Ҳ. Олимжоновнинг ишчилар синфи вакилларига, Ж. Саъдуллаев ва Қ. Собировнинг ахлоқий мавзуларга бағишланган очерклари бадиий публицистикамизда қувонарли воқеа бўлди.

Бир коллектив ё хўжалик ҳаётининг умумий манзарасини чизадиган бу хилдаги очеркларга Т. Аҳмедовнинг «Бухоро қўриқхоналарида», Й. Сулаймоннинг «Фарғона пилласи», Ў. Омоновнинг «Пахтага туташ тақдирлар», М. Саломнинг «Қизилқум яйловларида» сингари асарларини ҳам киритиш мумкин.

Н. Аминовнинг «Қишлоқ байрамлари» очеркида бир район мисолида қишлоқларимизнинг бугунги кўрки, одамлар психологиясидаги социал ўзгаришлар, азалий урф-одатларимиз билан замонавий анъаналарни уйғунлаштириб олиб бориш нечоғли мақбул эканлиги ишонарли ва самимий акс эттирилган.

Таассуфки, бундай очерк ва публицистик мақолалар бизда онда-сондагина эълон қилинади. Масалан, қоракўлчиликни олайлик. Кейинги йилларда Ўзбекистон қоракўлининг салмоғини, келажагини бутун муаммолари билан кўрсатиб берадиган етук очерк, проблематик мақолалар ярата олдикми? Тўғри, чўпон-чўлиқлар ҳақида ёзиб турибмиз, қоракўлчилик проблемаларини ҳам аҳён-аҳёнда тилга оламиз. Аммо бу етарли эмас. Мен «Ўзбекистон қоракўли» деган тўплам тузишни таклиф қилардим. Унда чўпон-чўлиқларнинг маиший ҳаётидан сунъий яйловларгача, бир парча тиллоранг терининг ошланиб, либосга безак бўлишигача, олимларимизнинг илмий-текшириш ишларидан халқаро аукционда ўзбек қоракўлининг шуҳратигача батафсил ёзилишини истардим. Ўзбекистон мармари ҳақида ҳам худди шундай фикрларни айтиш мумкин.

Очеркларимиз географиясини янада кенгайтиришимиз керак. Биз турли хил маъданлар, конлар ахтараётган геологлар, узоғимизни яқин қилаётган учувчилар, тепловоз машинистлари, республикамиз йўлларида пассажир, юк ташиб юрган шофёрлар, тоғларда доривор гиёҳлар тўплаб, эл саломатлигига ҳисса қўшаётган фармацевт ёки ботаниклар ҳақида деярли ёзмаяпмиз.

ЎТГАН ЙИЛИ матбуотда, айрим тўпламларда портрет очеркнинг дурустгина намуналари эълон қилинди. Улар қаторига С. Нуровнинг «Соғлом илдизлар», Н. Қобулнинг «Биз ўзлигимизча қоламиз», Э. Усмоновнинг «Томир» ва «Қизғиш тоғ», Ш. Убайдуллаевнинг «Салом, Ойқиз», Ж. Исмоиловнинг «Бахтга ташналик», А. Эшоновнинг «Ўша куни тўй эди», Ш. Сиддиқовнинг «Қаҳрамонлар колхози» сингари очеркларини қўшиш мумкин. Энг муҳими, бу очеркларда қаҳрамон ҳаёти мураккабликлари билан, реал тасвирланган. Н. Қобул Улуғ Ватан уруши ветерани Аҳмад Азизов ҳақида ҳикоя қиларкан, қаҳрамоннинг юрагида шижоат ҳам, юксак ватанпарварлик ҳам, жиндай саросима ва гумон ҳам, бурч масъулияти, надомат, аччиқ ўкинч, умид ҳам бор.

Самар Нуровни биз тийрак, кузатувчан ёзувчи сифатида биламиз. Унинг асарларидаги яхши топилмалар, деталлар, тасвирдаги равонлик, самимият ва ҳаётий конфликтлар «Соғлом илдиз»лар очеркида ҳам кўзга ташланади.

Очерк жанрида эришаётган ютуқларимизни алоҳида таъкидлаш билан Н. Ҳайитқуловнинг ташвишланиб ёзган танқидий мақоласидаги ўринли фикрларни рад этмоқчи эмасмиз. Дарҳақиқат, очеркларимиздаги умумий камчиликлар, олдимизда турган проблемаларни унутиб қўймаслигимиз лозим. Тўғри, публицистикамиз ҳамон примитивликдан, жўн, саёз фикрлашдан қутулолмаётир. Асарларимизнинг аксариятида фикрий қашшоқлик, бир хил қолипга тушиб қолишдек нуқсонлар тез-тез учраб турибди.

С. Иномхўжаев «Қўшқанот парвози» очеркида муҳим мавзуга қўл урган. Унда биринчи ўзбек учувчиларидан Абдусамад Тойматов ва унинг рафиқаси, ўзбек қизлари орасидан чиққан қалдирғоч парашютчи Б. Болтабоеванинг ибратли йўли ҳикоя қилинади. Китобхон автордан эллик йилдан бери ёнма-ён келаётган икки дўст, икки табаррук меҳнаткаш инсон ҳақида жозибали, ҳаққоний ҳикоя кутади. Афсуски, муаллиф тезроқ қаҳрамонларининг меҳнатда эришган ютуқларини айтиб, очеркини якунлашга шошади. Ҳолбуки, қаҳрамонлар ҳақида батафсилроқ ёзиш, уларнинг шахсий турмушлари орқали ёшларга ибрат бўларли ижтимоий масалаларни кўтариш мумкин эди.

Очерк қаҳрамонлари гўё теп-текис асфальт йўлдан кетишаётганга ўхшайди. Улар барча ниятларига осонликча эришаверадилар. Умидсизлик-ку, умуман уларга ёт. Ўқийман, деса, ўқийди, фалон касбни эгаллайман, деса оппа-осон эгаллайди. Ҳатто корхона раҳбари ҳузурига чақириб, «Парашютдан сакрайсизми?» — деса, «Керак бўлса, сакрайверамиз!», — дейди. Бу гапни ёшгина қиз ўйланмай, чўчимай айтаверади. Бу каби нуқсонлар табиийки, бадиий ва психологик таҳлилнинг саёзлиги натижасида келиб чиқади. Бундай саёзлик бошқа очеркларда ҳам, чунончи, Ж. Шароповнинг «Тақдир»ида ҳам учрайди.

Маълумки, бизда илмий-техника революцияси, одамлар психологиясидаги ўзгаришлар туфайли юзага келаётган кўплаб муаммолар бор. Республикамиз қалам аҳли ўтган йили бу соҳада ҳам баракали ишлади, дейиш мумкин. Таниқли олим Т. Ширинқулов ва журналист Ё. Хўжамбердиевнинг қишлоқ меъморлиги муаммоларига бағишланган очерк, мақолалари, Ш. Нуралиевнинг «Илдизга назар солсак», Ҳ. Олимжоновнинг «Яна бозор, яна дала, магазин...», А. Жўраевнинг «Маънавий хазина калити», Р. Раҳмоновнинг «Тупроқдан яралганмиз», Х. Дўстмуҳамедовнинг «Пахтазор узра дирижабллар», Н. Раҳматовнинг «Шоҳизинда: ривоят ва ҳақиқат», Н. Ҳайитқуловнинг «Кечаги учқур хаёл» каби очерк ва публицистик мақолалари ўқувчиларда яхши таассурот қолдирди. Уларда халқнинг кўнглида анчадан бери етилиб турган долзарб масалалар қаламга олинган, имкон даражасида социал ва иқтисодий таҳлил этилган, конкрет таклиф-мулоҳазалар айтилган.

Баъзан халқ хўжалиги ёки одамларнинг кундалик ҳаёти билан боғлиқ бирор масалани дадил кўтарамизу ўша масалани атрофлича тадқиқ этолмаймиз, мазкур муаммонинг туб илдизларини очолмаймиз. Гоҳида материалларимизда изчиллик, кўпинча эмоционал ҳарорат етишмайди, бадиий ифода суст бўлади. Оқибатда, ўқувчи зерикади, муҳим масалаларга бағишланган долзарб мақолани ҳам эснаб ўқийди ёки умуман ўқимайди.

Ҳали бизнинг қаламимизга мунтазир анчагина муаммолар бор. Айтайлик, демография ёки меҳнат тақсимоти масаласи ёки меҳнаткашларнинг бўш вақтини қандай ўтказиш билан боғлиқ проблемалар. Ҳар йили ўқув юртларини юзлаб, минглаб ёшлар битириб чиқади. Аммо уларнинг аксарияти ўз мутахассислиги бўйича иш тополмайди. Кадр кўп, айрим соҳалар бўйича керагидан ортиқ. Бу вазиятни бартараф этиш ҳақида ўйлаб кўришимиз, матбуотнинг таъсир кучидан фойдаланишимиз керак.

Мактабларимизда, хусусан, қишлоқ мактабларида физкультура-спорт программаси, музика таълими ўта ночор аҳволда. Ёки ёшлар тарбияси, одоб-ахлоқ масалалари билан боғлиқ муаммоларни олайлик. Социолог олимларнинг ҳисоб-китобига қараганда, илмий-техника революцияси ҳаётга нечоғли сингиб боргани сари инсонлар руҳи, тарбияси, ахлоқий хислатларига ҳам шунчалик кўпроқ таъсир кўрсатар экан. Гоҳо бу таъсирнинг салбий эканлиги бизни ташвишлантиради.

Бир гуруҳ ёшлар, хусусан, ўсмирлар психологиясидаги мешчанлик кайфиятлари, эътиқодсизлик, дунёдаги ижтимоий-сиёсий воқеаларга лоқайдлик, турмушдаги ёруғ ҳодисаларга менсимай, нигилистик нуқтаи назардан қараш, худбинлик, жўшқин фаолиятдан четда туриш каби иллатлардан ҳам кўз юммаслигимиз керак. Бу кескин масалалар бўйича ёзувчи ва публицистларимиз ўз фикрларини билдирмоқдалар, таъсирчан очерк ва мақолалар битмоқдалар.

Ўтган йили «Шарқ юлдузи» журналида Раҳимжон Отаевнинг «Энг жумбоқ туйғу» деган мақоласи эълон қилинди. Унда публицистик руҳ билан илмий-тадқиқот ажиб тарзда чатишиб кетган. Мақола севги, никоҳ, оила ва ажралиш масалаларига бағишланади. Публицист гоҳ тарихий ҳужжатларга, гоҳ кундалик турмушимиздаги конкрет воқеаларга мурожаат қилиб эркак ва аёллар ўртасидаги психологик, маданий омилларни қиёслаб, ўқувчини баҳсга, мулоҳазага чорлайди.

ОДОБ-АХЛОҚ мавзуидаги китобларга ҳам ўқувчиларимиз ташна. Бу ерда икки китобни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Улардан бири ҳурматли академигимиз Э. Юсупов билан файласуф олим Ф. Исмоиловнинг «Инсон одоби билан...» китоби. Иккинчиси— истеъдодли журналист Ж. Шароповнинг «Бу йўлда хато қилма» рисоласи. Биринчи асар кўлами, таълим-тарбиянинг деярли барча соҳалари ҳақида самимий ёзилганлиги билан диққатни тортса, Ж. Шароповнинг китобчаси ҳаёт билан ўта яқин бир қаламкашнинг жонли, ибратомуз ҳикоялари сифатида ўқувчиларга манзур бўлади.

# ЖАНР МУАММОЛАРИ

ТАҚРИЗ

Адабиётшунос Мурод Иброҳимов ўзбек совет шеърияти, прозаси, драматургияси ва танқидчилигига оид кўплаб илмий тадқиқотлар муаллифи, 1983 йили «Фан» нашриётида олимнинг «Ўзбек совет поэзияси жанрларининг таркиб топиши» монографияси чоп этилди. Китоб ўзбек совет поэзияси жанрларининг туғилиши, таркиб топиш жараёнлари, поэтик жанрлар таснифининг принципларини ёритишга бағишланган. Монография бир қанча фазилатларга эга. М. Иброҳимов марксча-ленинча эстетиканинг қонун-қоидаларини яхши эгаллаб, уни адабий жараённинг конкрет ҳодисаларига изчил татбиқ эта олган. Муаллиф адабиёт ишини коммунистик қурилиш ишининг узвий қисми сифатида талқин этади ва шунга асосланиб, ҳар бир адабий ҳодисани ҳаётийлик ва ҳаққонийлик нуқтаи назаридан баҳолашга интилади.

Маълумки, адабий жанрлар муаммоси сўз санъатининг ижодий метод, бадиий услуб каби ўзак масалаларидан бири. Шу туфайли монографияда бу ҳақда кенг фикр юритилади. Бу масалага доир мунозаралар ҳозир ҳам давом этмоқда. М. Иброҳимов китобда адабий жанрлар борасидаги бир-бирига зид қарашларнинг асосийларигагина тўхтаб ўтишни лозим топади. Жумладан, «жанр» терминини ноўрин қўллаш, уни тан олмаслик, ижод йўлидаги тўсиқ деб тушуниш, лирика жанрлари классификацияларининг талабга жавоб бермаслиги каби масалаларга муносабат билдиради. Ўзбек адабиётидаги жанрларга доир мавжуд қоидаларда адабиётни тур(род), хил(вид) ва жанрларга ажратилган. М. Иброҳимов адабиётдаги бундай ажратиш ўрнига «тур ва жанр» тартибидаги икки хилликни маъқул топади. Жанрни илмий таърифлашда ҳам М. Иброҳимов муайян аниқликлар киритади. Гап шундаки, айрим адабиётшунослар жанрни ҳам бадиий шаклнинг бир унсури сифатида тушунадилар. Баъзилар эса «жанр» ўрнида «форма» (шакл) сўзини ишлатади. Автор шакл ва жанр айнан бир тушунчани ифодаламаслигини айтиб, жанрнинг таърифини баён қилади.

Мунаққид янги жанрларнинг вужудга келишини социалистик жамиятнинг таркиб топиш жараёни билан боғлиқликда текширади. Зотан, иқтисодий ва сиёсий қулликдан қутулиш учун олиб борилган курашларни, бу йўлдаги мислсиз матонат ва жасоратларни кенг кўламда ҳаққоний акс эттириш ёш совет адабиётининг муҳим вазифаларидан эди.



Китобда Ойбек, Ғ. Ғулом, Уйғун, Ҳ. Олимжон, А. Алавийнинг ёш авлоднинг янги ҳаёт сари интилиши, хотин-қизлар озодлиги, халқаро мавзулардаги ўнлаб асарлари таҳлил этилиб, шоирларимизнинг жанр имкониятларидан фойдаланиш йўлидаги изланишлари, ютуқ ва камчиликлари холис баҳоланади. 20—30-йиллар ўзбек адабиётида поэма ва балладанинг тутган ўрни хусусидаги қарашларида ҳам автор изчилликка аҳамият беради. Ғ. Зафарийнинг «Ёшлар энди берилмас», А. Мажидийнинг «Ҳужум», Ботунинг «Тоғ қизи», «Биринчи хат» поэмаларининг таҳлилида уларда етук характерлар ўрнига субъектив кечинмалар устун экани тўғри таъкидланади. М. Иброҳимов бу поэмаларга жанр сирларини эгаллашдаги илк изланишлар деб қарайди.

Монографиянинг ҳар тўрттала бобида ҳам поэзия жанрларининг туғилиши, таркиб топишидаги қийинчиликлар, жанрлар қонуниятини тушунмаслик оқибатлари, ғоявий жиҳатдан саёз, бадиий заиф асарларнинг пайдо бўлиш сабаблари, формализм таъсири етарли кўрсатиб ўтилган.

Шу билан бирга, айрим қисмларда пухта ўйланмаган иборалар, жумла тузилишидаги стилистик чалкашликлар ҳам учрайди. Асарнинг «Етакчи жанр ва унинг хиллари» қисмида қўшиқ ва марш жанрлари текширилади. Бироқ, муайян даврдаги қўшиқ турлари — «ёр-ёр», «ўлан», «лапар», «алла» тилга олинади, холос.

М. Иброҳимов монографияси илмий-назарий фазилатлари билан адабиётшунослик фани ривожига ҳисса бўлиб қўшилади.

**Маҳмуд НАЗАРОВ,**
**филология фанлари кандидати**

